

**Пулатов Исмоилжон Шарифжон ўғли:** *“Тижорат банкларини хусусийлаштириш: муаммолар ва ҳал қилиш йўллари”*. (5A230701-“Банк иши (пул муомаласи ва кредит бўйича)”).

**Илмий раҳбар:** Амалиётчи Саидов Э.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Банклараро рақобат шароитида тижорат банкларини хусусийлаштириш борасидаги илмий-назарий қарашларни чуқур таҳлил этиш ва бу борадаги илғор хориж тажрибаларини ўрганган ҳолда уларни мамлакатимиз банк тизимига жорий этишнинг мақбул йўлларини ишлаб чиқиш борасида илмий-амалий тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг вазифалари.**

- хусусий тижорат банклари фаолиятининг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва чуқур тадқиқ этиш;
- мамлакатимизда хусусий тижорат банклари фаолиятини таққослама таҳлил қилиш;
- банкларни хусусийлаштириш борасидаги хориж тажрибасини ўрганиш ва таҳлил этиш;
- банкларни хусусийлаштириш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ўрганиш;
- банкларни хусусийлаштиришни янада такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий жиҳатдан асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш.